

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Соғлиқни сақлаш вазири



А.Шадманов

2019 й. “ 21 ” октябрь

**СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ
ШЕРИКЛИК ЛОЙИҲАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ
ТАРТИБИ БЎЙИЧА**

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

**(Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тиббиёт
ташкilotларида ДХШ лойиҳаларини амалга оширишда
хизмат доирасида вақтинчалик фойдаланиш учун)**

Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартиби бўйича

Услубий қўлланма

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Услубий қўлланма Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонуни (ДХШ Қонуни) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 апрелдаги ПҚ-4290-сон “Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида тайёрланган бўлиб, якка тартибдаги тадбиркор ёхуд юридик шахслар (хусусий ташаббускор) ташаббуси асосида ишлаб чиқилган давлат-хусусий шериклик лойиҳалари концепцияларини кўриб чиқиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Услубий қўлланма Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги ҳудудий бошқарув органлари ва республика даволаш-профилактика муассасалари томонидан хизмат доирасида қўллаш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, хусусий ташаббускорлар учун мажбурий характерга эга эмас.

3. Давлат-хусусий шериклик лойиҳаси (ДХШ лойиҳаси) ДХШ Қонунининг 15-моддасига асосан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги (давлат шериги) ва (ёки) якка тартибдаги тадбиркор ёхуд юридик шахс томонидан ташаббус қилиниши мумкин.

II. Хусусий ташаббускор томонидан тайёрланган ДХШ лойиҳасини кўриб чиқиш тартиби

4. Хусусий ташаббускор ДХШ лойиҳаси концепциясини (Концепция) мазкур қўлланманинг 1-илоvasида келтирилган шаклга мувофиқ ишлаб чиқади ва ДХШ лойиҳасининг Бизнес-режаси билан бирга ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқарув органига тақдим этади.

5. Ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан хусусий ташаббускор томонидан тақдим этилган ДХШ лойиҳасини ўрганиш мазкур Услубий қўлланманинг 2-илоvasида келтирилган “ДХШ лойиҳасининг дастлабки назорат рўйхати (чеклист) шакли”ни тўлдириш орқали амалга оширилади.

6. ДХШ лойиҳасини ўрганиш натижасидан қатъий назар чеклист ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқарув органи раҳбари томонидан имзоланиши ва кузатув хатига ДХШ лойиҳасига тегишли ҳужжатлар билан Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилади.

7. ДХШ лойиҳаси хусусий ташаббускор томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлигига тўғридан-тўғри киритилган ҳолатда, ДХШ лойиҳаси тегишлилиги

бўйича ҳудудий бошқарув органлари ва республика даволаш-профилактика муассасаларига мазкур Услубий қўлланманинг 2-иловасида келтирилган “ДХШ лойиҳасининг дастлабки назорат рўйхати (чеклист) шакли”ни тўлдириш учун юборилади.

8. Ҳудудий бошқарув органлари ва республика даволаш-профилактика муассасалари раҳбарлари томонидан ДХШ лойиҳасини ўрганиш бўйича чеклистни имзолаш ДХШ лойиҳаси расмий равишда киритилган кундан 5 иш кунидан ошмаслиги керак.

9. ДХШ лойиҳасини амалга оширилишида, лойиҳа юқорида келтирилган мезонларнинг барчасига мос келганда ҳудудий бошқарув органлари ёки республика тасарруфидаги тиббиёт муассасалари раҳбарларининг бирор-бир ҳаракати ва (ёки) ҳаракатсизлиги билан тўсқинлик қилиши қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади.

III. Хусусий ташаббускор ёки ҳудудий бошқарув органлари (республика тасарруфидаги тиббиёт муассасалари) томонидан тайёрланган ДХШ лойиҳасини кўриб чиқиш тартиби

10. Соғлиқни сақлаш вазирлигига расмий равишда киритилган ДХШ лойиҳасига, Давлат-хусусий шерикликни ва тиббий туризмни ривожлантириш бош бошқармасининг ходимларидан бири масъул (масъул ходим) сифатида бириктирилади.

Масъул ходим томонидан куйидаги ишлар амалга оширилади:

ДХШ лойиҳасини кўриб чиқиш мақсадида, Соғлиқни сақлаш вазирининг 2019 йил 2 майдаги 114-сонли буйруғи асосида ишчи гуруҳ таркиби шакллантирилади ва кўрсатма хат шаклида раҳбарият томонидан имзоланади.

Масъул ходим ДХШ лойиҳаси бўйича амалга оширилган ишлар бўйича учта маълумотномани юритиши керак:

ДХШ лойиҳаси бўйича амалга оширилган ишлар хронологияси;

ДХШ лойиҳасини кўриб чиқишда Ишчи гуруҳ томонидан ўтказилган йиғилишлар баённомалари;

ДХШ лойиҳаси бўйича амалга оширилган ишлар бўйича доимий равишда янгиланган ҳисобот.

11. Хусусий ташаббускор томонидан тақдим этилган Концепция ўттиз календарь кун ичида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан кўриб чиқилиши керак.

12. ДХШ лойиҳаси концепцияси талаб даражасида ишлаб чиқилмаган ҳолатларда масъул ходим томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг хати асосида камчиликларни кўрсатган ҳолда ДХШ лойиҳаси концепцияси маромига етказиш учун қайтарилади.

13. Талаб даражасида ишлаб чиқилган Концепциялар Ишчи гуруҳ йиғилишида кўриб чиқилади ва Ишчи гуруҳ томонидан Концепцияни тасдиқлаш ёки рад этиш тўғрисида ўттиз календарь кун ичида қарор қабул қилинади ва баённома билан расмийлаштирилади.

14. Ишчи гуруҳ баённомаси асосида, лойиҳани амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб топилганда, “Дастлабки скрининг (саралаш)” шакли мазкур Услубий қўлланманинг 3-иловасига мувофиқ тўлдирилади.

15. Масъул ходим томонидан умумий қиймати бир миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясини, дастлабки скринингини ва бошқа тегишли ҳужжатларни кузатув хатига илова қилинган ҳолда Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлигига келишиш ва ДХШ лойиҳалари реестрига киритиш учун юборилади.

IV. Концепцияни тасдиқлаш тартиби

16. Лойиҳа Концепциясини тасдиқлаш куйидаги тартибда амалга оширилади:

умумий қиймати бир миллион АҚШ долларига қадар бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясини тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан мустақил равишда;

умумий қиймати бир миллион АҚШ долларидан ортиқ ва ўн миллион АҚШ долларига қадар бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясини тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Молия вазирлиги ҳузуридаги давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги билан келишувга кўра;

умумий қиймати ўн миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясини тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

17. Масъул ходим тасдиқланган ДХШ лойиҳаси Концепцияларини Соғлиқни сақлаш вазирлигининг муҳри билан тасдиқланган журналдаги лойиҳалар реестрига ҳам тартиб асосида рақамлаб рўйхатга киритади. Бунда, умумий қиймати бир миллион АҚШ долларига қадар бўлган эквивалентдаги Концепция 1/N₁, 1/N₂ ва ҳ.к. рақамларда, умумий қиймати бир миллион АҚШ долларидан ортиқ ва ўн миллион АҚШ долларига қадар бўлган эквивалентдаги Концепция 2/N₁, 2/N₂ ва ҳ.к. рақамларда ҳамда умумий қиймати ўн миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган эквивалентдаги ДХШ лойиҳасининг Концепция 3/N₁, 3/N₂ ва ҳ.к. рақамларда рўйхатга олинади.

V. ДХШ лойиҳасининг амалга ошириш тўғрисида эълон бериш тартиби

18. Концепция белгиланган тартибда тасдиқланган тақдирда, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ДХШ лойиҳаси Концепциясини ҳамда бошқа талабгорларга ДХШ лойиҳасини амалга оширилишидан манфаатдорлиги тўғрисида маълум қилиш таклифини ўзининг расмий веб-сайтида, Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги ва Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг расмий веб-сайтларида беш календарь кун ичида эълон қилади.

19. Масъул ходим томонидан кузатув хати билан Концепция ва ДХШ лойиҳасини амалга оширилишидан манфаатдорлиги тўғрисида маълум қилиш таклифи бўйича эълон матни Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш марказига, Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги ва Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг расмий веб-сайтларида жойлаштириш учун юборилади.

20. Эълон бериш санаси лойиҳа Концепцияси тасдиқланган санадан беш календарь кундан ортиқ бўлмаслиги керак. Масъул ходим эълон матни жойлаштирилганлигини назорат қилиши ва “скриншот” шаклида сақлаб қўйиши лозим.

21. Эълон матнида қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

тасдиқланган ДХШ лойиҳаси концепцияси;

эълон бериладиган сана ва жойи;

лойиҳа номи;

лойиҳа юзасидан масъул ходимнинг телефон рақамлари, почта манзили;

лойиҳага қизиқиш билдиришнинг сўнгги санаси ва вақти (эълон берилган кундан 45 кун).

Заруриятга кўра, лойиҳада иштирок этувчиларга бошқа талаблар ҳам қўйилиши мумкин.

VI. Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш тартиби

22. Агар давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепцияси эълон қилинган пайдан эътиборан қирқ беш календарь кун ичида Соғлиқни сақлаш вазирлигига бирор-бир яқка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишдан ўзининг манфаатдорлигини маълум қилмаса, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ушбу ДХШ тўғрисидаги Қонуннинг 25-моддасига мувофиқ давлат-хусусий шериклик

лойиҳасини амалга ошириш ҳақида қарор қабул қилади. Масъул ходим томонидан хусусий ташаббускор билан тендер ўтказмаган ҳолда битим тузиш тўғрисидаги Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи лойиҳаси тайёрланади.

23. Хусусий ташаббускор билан музокаралар ўтказилганидан сўнг, ДХШ тўғрисидаги битим лойиҳаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги билан келишилади ва ДХШ тўғрисидаги битим лойиҳаси Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги билан келишиб олинган кундан эътиборан олтмиш кун ичида хусусий ташаббускор билан давлат-хусусий шериклик тўғрисида тендер ўтказмаган ҳолда битим тузилади.

24. Тўғридан-тўғри битим тузиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари билан белгиланган ҳолларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

25. Агар бирор-бир талабгор эълон бўйича ДХШ лойиҳасини амалга оширишдан ўзининг манфаатдорлигини маълум қилса, ДХШ лойиҳасини амалга ошириш учун хусусий шерикни аниқлаш тендер асосида амалга оширилади.

VII. Тендер ўтказиш тартиби

26. Тендерлар бир босқичли ёки икки босқичли бўлиши мумкин:

умумий қиймати бир миллион АҚШ долларига қадар бўлган эквивалентдаги ДХШ лойиҳалари бўйича бир босқичли тендер ўтказилади;

умумий қиймати бир миллион АҚШ долларида ортиқ бўлган эквивалентдаги ДХШ лойиҳаси бўйича икки босқичли тендер ўтказилади. Икки босқичли тендер дастлабки малакани аниқлаш ва тендер ғолибини саралаш босқичларини ўз ичига олади.

27. Бир босқичли тендерни ўтказиш чоғида тендер иштирокчиларининг тендер ҳужжатларида кўрсатилган концептуал қарорлар ва шартлар асосида батафсил техникавий таклиф ва тижорат (молиявий) таклифи, баҳоси (тарифи) албатта кўрсатилган ҳолда ишлаб чиқилган буюртмалари (таклифлари) кўриб чиқилади ҳамда баҳоланади. Тендерни ташкил этиш жараёнида талабгорлар билан тендер предметининг параметрлари бўйича музокаралар ўтказишга йўл қўйилади.

28. Бир босқичли тендерни ўтказиш тартиб-таомили қуйидагиларни ўз ичига олади:

тендер ўтказиш тўғрисидаги эълонни Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлигининг расмий веб-сайтларида эълон қилиш;

тендерда иштирок этиш учун талабгорлардан расмий буюртмалар ва тендер буюртмаларини (таклифларини) олиш;

тендер хужжатлари тўпламини тақдим этиш;

талабгорларнинг тендер буюртмалари (таклифлари) солинган конвертларни очиш;

тендер буюртмаларини (таклифларини) баҳолаш;

тендернинг ғолибини ва захирадаги ғолибини аниқлаш;

тендер ғолиби билан музокаралар ўтказиш;

тендер ғолиби билан давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузиш.

Тендерда иштирок этиш учун тендер буюртмаларини (таклифларини) бериш муддати тендер ўтказилиши тўғрисидаги эълон берилган санадан эътиборан ўттиз календарь кундан кам бўлмаслиги керак.

29. Икки босқичли тендер куйидаги тартибда ўтказилади:

биринчи босқичда буюртмалар кўриб чиқилади ҳамда тендер хужжатлари шартларида кўрсатилган концептуал ва техник ечимлар асосида ишлаб чиқилган тендер таклифлари баҳоланади. Талабгорлар билан тендер предметининг параметрлари бўйича музокаралар ўтказишга йўл кўйилади;

иккинчи босқичда тендер предметининг аниқлаштирилган параметрлари ҳисобга олинган, баҳо (тариф) албатта кўрсатилган ҳолда киритилган техникавий таклифларни ва тижорат (молиявий) таклифлари кўриб чиқилади ҳамда баҳоланади.

30. Икки босқичли тендерни ўтказиш тартиб-таомили куйидагиларни ўз ичига олади:

тендер ўтказиш тўғрисидаги эълонни Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ва Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлигининг расмий веб-сайтларида эълон қилиш;

талабгорлардан тендерда иштирок этиш учун расмий буюртмалар олиш;

тендерда иштирок этиш учун манфаатдор шахслар доирасини белгилаш;

масъул ходим томонидан дастлабки малака хужжатларини ишлаб чиқиш ва Ишчи гуруҳнинг баённомаси билан тасдиқланган ҳолда талабгорларга юбориш;

талабгорларнинг малакасини тасдиқловчи дастлабки малака буюртмаларини йиғиш тендернинг дастлабки малакавий танлов босқичини ташкил қилиш; бунда, масъул ходим:

а) вазирликлараро тендер комиссияси таркибини шакллантириш учун тегишли вазирлик ва идораларга тендер ўтказилиши тўғрисида маълум қилиш мақсадида тендер комиссиясининг раиси имзоси билан хат юборади;

б) мазкур хатнинг ижрочиси ва тендер комиссияси таркибидаги ходимдан тендер тўғрисидаги хатни олганлиги ҳақида маълумот олади;

в) тендер комиссияси таркибидаги ходимларнинг телефон рақамлари, электрон почта манзиллари тўғрисида жадвал тузади;

г) дастлабки малакавий танлов босқичида қатнашиш учун сўровнома бўйича талабгорларни аризаларини қайд этиш бўйича журнал тайёрлайди. Журнал ип ўтказиб боғланган, варақлари рақамланган ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак;

д) ариза топширган ҳар бир талабгорга (талаб этилганда) мазкур журналдан кўчирма берилади;

е) талабгорлар томонидан топширилган аризалар бўйича тендер комиссиясига баённомалар шаклини тайёрлайди;

ж) тендер комиссиясига танишиш учун ДХШ лойиҳа концепцияси ва дастлабки малакавий танлов босқичида қатнашиш учун сўровномани бир нусхадан тайёрлайди.

тендер комиссияси дастлабки малакавий танлов босқичи бўйича ўз ишини яқунлагач, масъул ходим томонидан дастлабки саралашдан ўтган ва ўта олмаган иштирокчиларга тендернинг биринчи босқичи натижалари бўйича расмий хат юбориш;

масъул ходим томонидан тендернинг иккинчи босқичи учун тендер ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва Ишчи гуруҳ томонидан тасдиқланган ҳолда дастлабки саралашдан ўтган тендер иштирокчиларига, тендер буюртмаларини (таклифларини) тақдим этишга доир сўров юбориш;

Тендер комиссияси томонидан тендернинг иккинчи босқичи бўйича тендер иштирокчиларининг тендер таклифларини баҳолаш ҳамда тендер ғолибини ва захирадаги ғолибни аниқлаш;

тендернинг иккинчи босқичини яқунланганидан сўнг унинг натижалари бўйича масъул ходим томонидан 3 кун муддатда тендер иштирокчиларига расмий хат юбориш;

31. Дастлабки малакани аниқлашда иштирок этиш учун буюртмалар йиғиш муддати тендер ўтказилиши тўғрисидаги эълон берилган санадан эътиборан ўттиз календарь кундан кам бўлмаслиги керак. Шунингдек, дастлабки малакалашни ўтказиш учун камида иккита талабгорнинг иштирок этиши зарур.

32. Тендер буюртмаларини (таклифларини) бериш учун сўнгги муддат тендер буюртмаларини (таклифларини) тақдим этишга доир сўровда кўрсатилади ва у дастлабки малакалашдан ўтган талабгорларга ушбу сўров юборилган санадан эътиборан қирқ беш кундан кам бўлмаслиги керак.

КОНЦЕПЦИЯ ШАКЛИ

ЛОЙИХАНИНГ ТАВСИФИ

Лойиха номи:

(Лойиха номини кўрсатинг)

Тармоқ:

*(Тармоқ номини кўрсатинг.
соғлиқни сақлаш)*

Лойиха типи:

*(Лойиха доирасида янгидан
қуриш, реконструкция қилиш
ва бошқа типдаги ишлар
кўзда тутилганини
кўрсатинг)*

**Хусусий шерикнинг иш
ҳажми**

*(Хусусий шерик томонидан
бажарилиши кутилаётган иш
ҳажмини кўрсатинг. Масалан:
қуриш, эгалик қилиш ва
эксплуатация қилиш (ВОО);
лойиҳалаш, қуриш,
молиялаштириш,
фойдаланилиш ва хизмат
кўрсатиш (DBFOM) ёки
бошқа)*

Давлат шериги:

*(Давлат шериги номини
кўрсатинг)*

Лойиха жойлашган жойи:

*(Лойиҳанинг географик
жойлашувини кўрсатинг)*

1 - Бўлим

Илтимос, дастлабки скрининг натижалари ҳақидаги батафсил маълумотни келтиринг ва тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг.

(Зарурат туғилганда бошиқа варақда давом эттиринг)

2 - Бўлим

Қавслардаги изоҳлар [...] йўл-йўриқ учун берилган: 2 Бўлимдаги барча изоҳлар якуний матнда ўчирилиши керак.

Қўшимча маълумотлар

1. 1.1. Лойиҳанинг ДТИА/ТИА мавжудлиги: Ҳа Йўқ
Агарда «Ҳа» бўлса, тасдиқловчи ҳужжатларни келтиринг.
[Изоҳ: Тегishiли устунни (x) билан белгиланг.]
- 1.2. Илтимос, лойиҳанинг куйидаги параметрларини кўрсатинг (тасдиқловчи ҳужжатлар ва ҳисоб китобларни келтиринг).
- Соф дисконтланган даромад (NPV) :
- Капиталнинг ўртача ўлчанган қиймати (WACC): %
- Ички даромадлилик ставкаси (IRR): %
- [Изоҳ: NPV, WACC ва IRR қийматларини киритинг. NPV қиймати қуйидаги тенглик ёрдамида аниқланади:
- $$NPV = \sum_{k=0}^n \frac{CF_k}{(1+WACC)^k} - \sum_{k=0}^n \frac{I_k}{(1+WACC)^k}$$
- бунда: CF_k – k -чи йилдаги пул маблағлари оқими; I_k – k -чи йилдаги инвестициялар (харажатлар) суммаси; $k = 0, 1, 2, \dots, n$.
- WACC қийматини ҳисоблаш учун формула қуйида келтирилган:
- $$WACC = [(1 - g) \times Re + (g \times Rd) \times (1 - t)]$$
- бунда: g — капитал умумий тузилмасида қарзнинг қисми; Re — улушли молиялаштириш қиймати, фоизда; Rd — қарзли молиялаштириш қиймати, фоизда; t — ташиқлот учун фойда солиғи ставкаси.
- Капитал тузилмаси икки қисмдан иборат: хусусий ва қарз капитали. Қарз капиталининг қиймати ДХШ лойиҳаси доирасида жалб қилинадиган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш фоиз ставкалари асосида аниқланади, улушли молиялаштириш

	<p>қиймати эса Ўзбекистон Республикаси суверен халқаро облигацияларининг аввалги тартибга солиши даври учун ўртача фоиз ставкаси сифатида аниқланади.</p> <p>IRR инвестиция харажатларининг ва соф фойданинг бугунги кундаги қийматларини тенглаштириши йўли билан ҳисобланади.</p> $0 = \sum_{k=0}^n \frac{CF_k}{(1+IRR)^k} - \sum_{k=0}^n \frac{I_k}{(1+IRR)^k}$ <p>Агар IRR, WACC га тенг бўлса ёки ундан юқори бўлса, лойиҳа ҳаётлий бўлади. Агар IRR WACC дан кам бўлса, бу ҳолда лойиҳа рад этилиши керак.]</p>		
2.	<p>2.1. Лойиҳа қуйидагилардан бирида киритилган бўлса:</p> <p>Инвестицион дастур <input type="checkbox"/></p> <p>Президент фармони ёки қарори/ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори <input type="checkbox"/></p> <p>Бошқа <input type="checkbox"/></p> <p>Батафсил маълумот келтиришингиз ва тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этишингизни сўраймиз:</p> <p>[Изоҳ: Тегшли устунни (x) билан белгиланг.]</p>		
3.	<p>3.1. Хусусий шерик лойиҳани амалга ошириш ва тақдим этилган хизматлар учун ҳақ олишга рухсат берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш учун зарурат борми?</p> <p>Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/></p> <p>[Изоҳ: Тегшли устунни (x) билан белгиланг.]</p>		
4.	<p>4.1. Хусусий шерикнинг лойиҳа доирасида тақдим этадиган якуний хизматларини тасвирлаб беришингизни сўраймиз:</p> <p>[Изоҳ: Хусусий шерик ДХШ лойиҳасининг битимига мувофиқ фойдаланувчиларга тақдим этадиган хизматлар доирасини батафсил тушунтириб беринг.]</p>		
5.	<p>5.1. Сармоя харажатлари (АҚШ долларларида):</p> <p>[Изоҳ: ДХШ битими доирасида хусусий шерик томонидан амалга ошириладиган капитал харажатларининг дастлабки қийматини кўрсатинг.]</p>	<p>5.2. Эксплуатацион харажатлар миқдори (АҚШ долларларида):</p> <p>[Изоҳ: ДХШ битими доирасида хусусий шерик томонидан амалга ошириладиган эксплуатацион харажатларининг дастлабки қийматини кўрсатинг.]</p>	<p>5.3. Умумий харажатлар (АҚШ долларларида):</p> <p>[Изоҳ: 5.1. ва 5.2. бандлари йиғиндисини]</p>

	<p>5.4. ДХШнинг амал қилиш муддати: _____ йил</p> <p>Аниқ маълумот бўлмаса, оралиқни кўрсатишингизни сўраймиз:</p> <p>3-10 <input type="checkbox"/> 11-20 <input type="checkbox"/> 21-30 <input type="checkbox"/> >30 <input type="checkbox"/></p> <p><i>[Изоҳ: Илтимос, ДХШнинг амал қилиш муддатини кўрсатинг.</i></p> <p><i>Аниқ маълумот бўлмаса, оралиқни (x) белгисини қўйиш орқали кўрсатинг.</i></p>	<p>5.5. Лойиҳанинг иқтисодий яшаш муддати: _____ йил</p> <p>Аниқ маълумот бўлмаса, оралиқни кўрсатишингизни сўраймиз:</p> <p><10 <input type="checkbox"/> 10-30 <input type="checkbox"/> >30 <input type="checkbox"/></p> <p><i>Изоҳ: Лойиҳанинг иқтисодий яшаш муддатини кўрсатишингизни сўраймиз.</i></p> <p><i>Аниқ маълумот бўлмаса, оралиқни (x) белгисини қўйиш орқали кўрсатинг.</i></p> <p><i>(Лойиҳанинг иқтисодий яшаш муддати деб лойиҳавий активлар даромад олиб келиши мумкин бўлган вақт оралиғи тушунилади. Бу вақт оралиғи активларнинг жисмоний муддатидан қисқароқдир).</i></p>		
6.	<p>6.1. Лойиҳанинг даромад манбаини келтиринг (белги қўйинг):</p> <p>Фойдаланганлик учун тўлов <input type="checkbox"/></p> <p>Эркин фойдаланилиши учун тўлов <input type="checkbox"/></p> <p><i>[Эслатма: Хусусий шерик лойиҳадан даромадни якуний истеъмолчилардан кўрсатилган хизматлар учун тўлов олиши йўли билан оладими, ёки давлат шериги хусусий шерик ҳисобига тўловни ўзи амалга оширишини кўрсатишингизни сўраймиз.]</i></p>			
	<p>6.2. Фойдаланганлик учун тўлов/ Эркин фойдаланилиши учун тўлов (АҚШ долларида):</p> <p>Тасдиқловчи ҳисоб китоб ёки ҳужжатларни тақдим этишингизни сўраймиз.</p> <p><i>[Изоҳ: Тақдим этилган товарлар (ишлар, хизматлар) учун якуний истеъмолчи ёки давлат шериклари томонидан хусусий шерик фойдасига тўланадиган тахминий пул миқдорини (ставка/тариф) кўрсатинг. Масалан, электр энергиясининг 1 кВт соатига 0.02 АҚШ доллар ва бошқалар.]</i></p>			
7.	<p>7.1. ДХШ лойиҳасининг ташаббускорини аниқланг:</p> <p>Давлат ташаббускори <input type="checkbox"/></p> <p>Хусусий ташаббускор <input type="checkbox"/></p> <p><i>[Изоҳ: Тегшли устунни (x) билан белгиланг.]</i></p>			
8.	<p>Хусусий ва давлат шериги ўртасидаги хатарларни тақсимлашда таклиф қилинган ўзгаришларни кўрсатинг</p>			
<p>Хавф категорияси</p>	<p>Давлат шериги</p>	<p>Умумий</p>	<p>Хусусий шерик</p>	<p>Таклиф этилаётган ўзгаришлар</p> <p><i>(Лойиҳа хусусий ва давлат шериги ўртасидаги бошқа хавф хатарлар бўлишини тахмин этаётган бўлса, изоҳ)</i></p>

					<i>келтиришингизни сўраймиз)</i>
	Лойихага тегишли хавф хатар				
	Дизайн ва технологияларнинг эскириш хавфи				
	Яширин нуқсон хавфи				
	Ер сотиб олиш ва кўчириш билан боғлиқ хатарлар				
	Молиявий хатар				
	Қурилиш билан боғлиқ хатар (аниқ бўлмаган)				
	Қурилиш билан боғлиқ хатар (аниқ бўлган)				
	Ишга тушириш билан боғлиқ хатарлар				
	Операцион хатар				
	Экологик/ижтимоий хатар (эксплуатация билан боғлиқ)				
	Оператив фаолият билан боғлиқ бўлган хатар				
	Талаб билан боғлиқ хатар				
	Бошқа				
<i>[Изоҳ: Тегшли устунни (x) билан белгиланг.]</i>					

9.	Илтимос, ҳар бир босқич учун тахминий/ режалаштирилган санани кўрсатинг:			
		Сана		Сана
	9.1.	ДХШ лойиҳасининг концепциясини тасдиқлаш	9.5.	Музокаралар ва ДХШ битимини имзолаш
	9.2.	Лойиҳадан олди ҳужжатларини ишлаб чиқиш (масалан: тендер ҳужжатлари)	9.6.	Махсус лойиҳа компаниясини (SPV) тузиш
	9.3.	Дастанлабни малакани аниқлаш (агар амал қилса, малакани аниқлаш талабномаси асосида – Request for Qualification, RFQ)	9.7.	Молиявий яқунлаш
9.4.	Ғолибни саралаш (таклифларни топшириш талабномаси – Request for Proposals, RFP)			
<i>[Изоҳ: Ҳар бир соҳа учун тахминий/режалаштирилган санани кўрсатинг.]</i>				
10.	<p>10.1. Лойиҳани амалга ошириш учун ер майдони керакми? Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/></p> <p>Агарда «Ҳа» бўлса, керакли ер ҳажмини кўрсатинг (гектарда): <i>[Изоҳ: Тегшли устунни (x) белгиси билан белгиланг. Агарда «Ҳа» бўлса, керакли ер ҳажмини кўрсатинг (гектарда).]</i></p>			
11.	<p>11.1. Лойиҳани амалга ошириш оқибатида ижтимоий муаммолар келиб чиқади: Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/></p> <p>Агарда «Ҳа» бўлса, тасвирлаб беринг:</p> <p>Тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этишингизни сўраймиз. <i>[Изоҳ: Тегшли устунни (x) белгиси билан белгиланг. Агарда «Ҳа» бўлса, лойиҳалаштириш оқибатида вужудга келадиган ижтимоий муаммоларни тасвирлаб беринг.]</i></p>			
	<p>11.2. Лойиҳани амалга ошириш оқибатида экологик муаммолар вужудга келади: Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/></p> <p>Агарда «Ҳа» бўлса, тасвирлаб беринг.</p> <p>Тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этишингизни сўраймиз. <i>[Изоҳ: Тегшли устунни (x) белгиси билан белгиланг. Агарда «Ҳа» бўлса, лойиҳалаштириш оқибатида вужудга келадиган экологик муаммоларни тасвирлаб беринг.]</i></p>			

12.	<p>12.1. Илтимос, давлат шериги томонидан (ДХШ лойиҳаси доирасидан ташқарида) амалга оширилиши зарур бўлган қўшимча ишларни кўрсатинг:</p> <p>Сув таъминоти объектларини куриш <input type="checkbox"/></p> <p>Газ таъминоти объектларини куриш <input type="checkbox"/></p> <p>Электр таъминоти курилмаларига уланиш <input type="checkbox"/></p> <p>Кириш йўллари <input type="checkbox"/></p> <p>Транспорт боғланиши <input type="checkbox"/></p> <p>Бошқа</p> <p><i>[Изоҳ: Тегшли устунни (x) белгиси билан белгиланг. Агарда бошқа тўғри келадиган ишлар бўлса, «Бошқа» устунда кўрсатинг.]</i></p>										
13.	<p>13.1. Илтимос, манфаатдор томонларни санаб ўтинг:</p> <p><i>[Изоҳ: ДХШ лойиҳасини амалга оширишдан манфаатдор бўлган барча томонлар рўйхатини келтиринг.]</i></p>										
14.	<p>Давлат шеригининг алоқа учун масъул бўлган шахс ҳақида маълумот кўрсатинг, агарда имкони бўлса, лойиҳа гуруҳи ҳақида, ҳамда ДХШ лойиҳа менеджери, гуруҳ аъзоларининг лавозими ва мажбурияти ҳақидаги маълумотни келтиринг:</p> <table border="1" data-bbox="225 1008 1487 1355"> <tr> <td data-bbox="225 1008 512 1075">Алоқа учун шахс</td> <td data-bbox="517 1008 1487 1075">Давлат шериги</td> </tr> <tr> <td data-bbox="225 1081 512 1149">Ф.И.Ш.:</td> <td data-bbox="517 1081 1487 1149"></td> </tr> <tr> <td data-bbox="225 1155 512 1223">Лавозими:</td> <td data-bbox="517 1155 1487 1223"></td> </tr> <tr> <td data-bbox="225 1229 512 1296">Тел.:</td> <td data-bbox="517 1229 1487 1296"></td> </tr> <tr> <td data-bbox="225 1303 512 1355">Электрон почта:</td> <td data-bbox="517 1303 1487 1355"></td> </tr> </table> <p><i>[Изоҳ: Давлат шеригининг алоқа учун масъул бўлган шахснинг Ф.И.Ш., лавозими, телефон рақами ва электрон почта манзилни кўрсатинг. Бундан ташқари, лойиҳа гуруҳининг тавсифини келтиринг. Тавсиф гуруҳининг ҳар бир аъзосининг лавозими ва вазифаларини ўз ичига олиши керак.]</i></p>	Алоқа учун шахс	Давлат шериги	Ф.И.Ш.:		Лавозими:		Тел.:		Электрон почта:	
Алоқа учун шахс	Давлат шериги										
Ф.И.Ш.:											
Лавозими:											
Тел.:											
Электрон почта:											
<p>Ушбу билан шуни маълум қиламанки, мазкур ДХШ лойиҳа концепцияси шаклида келтирилган маълумотлар ва у билан тақдим этилган тасдиқловчи ҳужжатлар ҳақиқий ва тўғри, шунингдек, лойиҳа давлат шеригининг ваколатли шахси томонидан зарур тарзда маъқулланган.</p> <table data-bbox="199 1657 1428 1848"> <tr> <td data-bbox="199 1657 750 1736">Хусусий шерикнинг ваколатли шахси (Раҳбар)</td> <td data-bbox="845 1657 1428 1736">Давлат шеригининг ваколатли шахси (Раҳбар)</td> </tr> <tr> <td data-bbox="199 1780 750 1848">_____</td> <td data-bbox="845 1780 1428 1848">_____</td> </tr> <tr> <td data-bbox="199 1803 750 1848">(Ф.И.Ш., имзо, муҳр)</td> <td data-bbox="845 1803 1428 1848">(Ф.И.Ш., имзо, муҳр)</td> </tr> </table>		Хусусий шерикнинг ваколатли шахси (Раҳбар)	Давлат шеригининг ваколатли шахси (Раҳбар)	_____	_____	(Ф.И.Ш., имзо, муҳр)	(Ф.И.Ш., имзо, муҳр)				
Хусусий шерикнинг ваколатли шахси (Раҳбар)	Давлат шеригининг ваколатли шахси (Раҳбар)										
_____	_____										
(Ф.И.Ш., имзо, муҳр)	(Ф.И.Ш., имзо, муҳр)										

ДХШ ЛОЙИХАСИНИНГ ДАСТЛАБКИ НАЗОРАТ РЎЙХАТИ (ЧЕКЛИСТ) ШАКЛИ

Лойиҳа номи: (Лойиҳа номини кўрсатинг)	
Лойиҳа жойлашган жойи: (Лойиҳанинг географик жойлашувини кўрсатинг)	

ДХШ лойиҳасини қуйида келтирилган мезонларга мувофиқлигини ўрганиш.

№	Мезон	Шартлар
1.	ДХШ лойиҳасининг асослиги	<p>1.1. Таклиф қилинаётган лойиҳа иқтисодий ва ижтимоий соҳанинг устувор йўналишларига оид: ҲА___ ЙЎҚ___</p> <p>1.2. Хусусий инвестициялар, хизмат кўрсатиш даражасини ва сифатини ҳукуматга нисбатан кўтариши мумкин: ҲА___ ЙЎҚ___</p> <p>1.3. Давлат секторига қилинган хусусий инвестициялар, инновацияни татбиқ этиш имконини беради: ҲА___ ЙЎҚ___</p> <p>1.4. Қўшимча маълумотларни келтиринг: _____ _____</p>
2.	ДХШ объектига нисбатан ССВнинг (тизимдаги муассасалар) хўжалик юритиш ҳуқуқининг ёки оператив бошқарув ҳуқуқининг мавжудлиги	2.1. ДХШ объектига нисбатан хўжалик юритиш ёки оператив бошқарув ҳуқуқи кимга (муассаса) тегишлилигини кўрсатинг:
3.	ДХШ объектини лойиҳалаштириш, қуриш, барпо этиш, молиялаштириш, реконструкция қилиш, ундан фойдаланиш ва унга хизмат	<p>3.1. Зарурият мавжудми: ҲА___ ЙЎҚ___</p> <p>Иккала ҳолатда (жавобда) ҳам асосли маълумотларни келтиринг.</p>

ДХШ ЛОЙИҲАСИНИНГ ДАСТЛАБКИ СКРИНИНГ (САРАЛАШ) ШАКЛИ

ЛОЙИҲАНИНГ ТАВСИФИ

Лойиҳа номи:

(Лойиҳа номини кўрсатинг)

Тармоқ:

*(Тармоқ номини кўрсатинг.
соғлиқни сақлаш)*

Лойиҳа тип:

*(Лойиҳа доирасида янгидан
қуриш, реконструкция қилиш ва
бошқа типдаги ишлар кўзда
тутилганини кўрсатинг)*

Хусусий шерикнинг иш ҳажми

*(Хусусий шерик томонидан
бажарилиши кутилаётган иш
ҳажмини кўрсатинг. Масалан:
қуриш, эгалик қилиш ва
эксплуатация қилиш (ВОО);
лойиҳалаш, қуриш,
молиялаштириш, фойдаланилиш
ва хизмат кўрсатиш (DBFOM)
ёки
бошқа)*

Давлат шериги:

*(Давлат шериги номини
кўрсатинг)*

Лойиҳа жойлашган жой:

*(Лойиҳанинг географик
жойлашувини кўрсатинг)*

1 - БЎЛИМ

ДХШ лойиҳаси қуйида келтирилган барча мезонларга мувофиқ бўлиши керак.

№	Мезон	Шартлар
1.	ДХШ механизми қўллашга яроқлилиги	<p><i>а) Агарда энг камида 1.1., 1.2. ва қуйида келтирилган бандлардан биронтаси тўғри бўлса, лойиҳа ДХШ механизмлари асосида амалга оширилиши мумкин:</i></p> <p>1.5. Молиявий маблағ етишмовчилиги (жумладан, агар қўллашга яроқли бўлса, бюджет маблағи чегараланганлиги) туфайли, ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши имконсиз бўлиши мумкин:</p> <p>ҲА___ ЙЎҚ___</p> <p>1.6. Таклиф қилинаётган лойиҳа иқтисодий ва ижтимоий соҳанинг устувор йўналишларига оид:</p> <p>ҲА___ ЙЎҚ___</p> <p>1.7. Хусусий инвестициялар, хизмат кўрсатиш даражасини ва сифатини ҳукуматга нисбатан кўтариши мумкин:</p> <p>ҲА___ ЙЎҚ___</p> <p>1.8. Потенциал хусусий инвесторлар ўртасидаги бўлиши мумкин бўлган рақобат давлат хизмат кўрсатиш нархларини пасайишига олиб келиши мумкин:</p> <p>ҲА___ ЙЎҚ___</p> <p>1.9. Давлат секторига қилинган хусусий инвестициялар, инновацияни тадбиқ этиш имконини беради:</p> <p>ҲА___ ЙЎҚ___</p> <p><i>б) Агарда қуйида келтирилган бандлардан биронтаси тўғри бўлса, лойиҳа ДХШ механизмлари асосида амалга оширилмайди:</i></p> <p>1.6. Агар лойиҳа доирасида давлат ташкилотини (давлат компаниясини) яратиш кўзлаётган бўлса:</p>

№	Мезон	Шартлар
		<p>6.2. Лойиҳани амалга ошириш жараёнида хусусий шерикка тақдим этиладиган бўш ернинг мавжудлиги:</p> <p style="text-align: center;">ҲА___ ЙЎҚ___</p> <p><i>Агарда «ҲА» бўлса, керакли ҳужжатларни тақдим этинг</i></p> <p>6.3. Аҳолини кўчирилиши (бўш бўлмаган ер майдонлари тақдим этилган ҳолда) давлат шериги томонидан амалга оширилади:</p> <p style="text-align: center;">ҲА___ ЙЎҚ___</p> <p>6.4. Лойиҳанинг асосий манфаатдор томонлари аниқланган:</p> <p style="text-align: center;">ҲА___ ЙЎҚ___</p>
7.	Маъқуллаш	<p>7.1. Лойиҳани амалга оширилиши давлат шериги раҳбарияти томонидан маъқулланган:</p> <p style="text-align: center;">ҲА___ ЙЎҚ___</p> <p><i>Агарда «ҲА» бўлса, керакли ҳужжатларни тақдим этинг</i></p>

2 - БЎЛИМ

ДХШ ЛОЙИҲАСИНИНГ ДАСТЛАБКИ СКРИНИНГ (САРАЛАШ) ФОРМАСИНИ ТЎЛДИРИШ БЎЙИЧА ҚЎЛЛАНМА

Дастлабки скрининг (саралаш)нинг мазкур шакли, ДХШ лойиҳасини тайёрлашда халқаро тажрибани ўрганиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган умумий мезон ва уларнинг шартларини ўз ичига олади.

1. ДХШ механизми қўллашга яроқлилиги

Биринчи навбатда, ДХШ лойиҳаси ДХШ механизмнинг қўллашга яроқлилиги мезони бўйича баҳоланади. Ушбу мезон бўйича мутаносибликни баҳоланда, ДХШ лойиҳасини амалга ошириш бўйича таклиф 1.1., 1.2. ва энг камида 1-бўлимнинг 1-мезонида келтирилган бандларнинг бирини қониктириши керак. Бундан ташқари, ушбу

мезон бўйича мутаносиблик даражасини баҳолашда, ДХШ лойиҳасида 1.6. ва 1.7. бандларига нисбатан қўлланила олмаслик белгиларининг йўқлиги тасдиқланиши керак.

2. ДХШ битимининг амал қилиш муддати

ДХШ битимининг амал қилиш муддати 3 йилдан 49 йилгача бўлиши керак, қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда:

- a) хусусий шерик томонидан молиялаштирилаётган активларнинг иқтисодий яшаш муддати;
- b) хусусий шерикнинг инвестицион харажатларини қоплаш, ҳамда етарли даромад олиши учун керак бўлган вақт оралиғи;
- c) хусусий шерикнинг битимдан кутилаётган фойдани (мисол учун, кутилаётган самара ёки хизмат кўрсатишни яхшиланиши) олиши учун керак бўлган вақт оралиғи;
- d) соҳанинг хусусиятлари

3. Юридик мақбуллик

Таклиф қилинаётган лойиҳа, ДХШ объекти (масалан, иш (хизматлар), мулк, ер)нинг давлат шериги ваколатига киришининг кафолатланиши - ДХШ лойиҳасининг учинчи мезонидир.

4. Молиявий ҳаётлиги

Лойиҳа хусусий шерикларни жалб қилиш учун, молиявий томондан ҳаётлий бўлиши керак. Шу билан биргаликда хусусий шерикнинг лойиҳадан ўз харажатларини қоплаш учун етарлича даромад олиши ва ДХШ лойиҳаси миқёсида иқтисодий даромад олиш имкониятини берувчи молиявий барқарорлик бўйича дастлабки ҳисоб-китоблар мавжуд бўлиши керак.

5. Бозор тажрибаси ва қизиқиши

Давлат шериги ДХШнинг худди шундай лойиҳаси республика худудида ва чет элда амалга оширилганлиги ҳақидаги тажрибаларни ўрганиши керак. Амалга оширилган/амалга оширилаётган худди шундай ДХШ лойиҳаларининг мавжудлиги, кўриб чиқиладиган лойиҳанинг ҳаётлигидан далолат беради.

Бундан ташқари ДХШ лойиҳасини амалга ошириш имконига эга бўлган маҳаллий ва чет эл хусусий корхоналари мавжудлиги ўрганиб чиқилиши лозим. Агарда ДХШ лойиҳасини амалга оширишда тажриба ва ўқув етишмовчилиги мавжуд бўлса, лойиҳани амалга ошириш бўйича алтернатив вариантлар кўриб чиқилиши лозим.

6. Лойиҳани амалга ошириш имконияти

Давлат шериги, ДХШ лойиҳасини амалга ошириш учун лойиҳани амалга ошириш бошланишидан бошлаб битим имзолангунга ва қурилиш бошлангунга қадар ўртача 18 ой керак бўлишини ҳисобга олиши керак.

Ушбу мезонга мувофиқлигини баҳолаш учун давлат шериги лойиҳани амалга ошириш учун ўз режасини асослаб бериши керак. Давлат шериги ДХШ лойиҳасини амалга ошириш тўғрисидаги битим кучга киргунга қадар батафсил молиявий ҳисоб-китобларни амалга ошириш, тегишли лойиҳаларни ишлаб чиқиш (қаерда қўллаш мумкин бўлса) ва лойиҳа бўйича бошқа ишларни бажариш учун етарлича вақт зарурлигини ҳисобга олиши керак.

Бундан ташқари, лойиҳани амалга оширишда ер участкаларини таъминлаб бериш билан боғлиқ муаммолар келиб чиқиши мумкин. Лойиҳанинг муваффақиятли бўлишига зоналаш, мулкни қисмларга ажратилганлиги, экологик муаммолар, ҳамда аҳолини бошқа жойларга кўчиришга бўлган эҳтиёж туфайли бўш ерларнинг йўқлиги таҳдид солиши мумкин.

Бундан ташқари, ушбу мезонга мувофиқликни баҳолаш учун лойиҳани амалга ошириш самарадорлигини таъминлаш учун асосий манфаатдор томонлар (лойиҳани амалга ошириш давомида ёки тугатгандан сўнг таъсир этиши мумкин бўлган вазирликлар, идоралар, агентликлар ва бошқа шахслар) аниқланиши керак. Асосий манфаатдор томонлар билан боғлиқ бўлган потенциал муаммолар, уларнинг тўғри ечилишини таъминлаш учун аниқланиши керак.

7. Маъқуллаш

ДХШ лойиҳасини амалга оширишнинг мувофиқлиги давлат шериги раҳбарияти томонидан тасдиқланиши керак. Ушбу ҳолат лойиҳага қатъий риоя этишни тасдиқлаш ва давлат шеригининг лойиҳани амалга ошириш ва ривожлантиришда зарур ресурсларни тақдим этишга тайёрлигини таъминлаш учун зарурдир.